

## New Day in Medicine Hobый День в Медицине $\overline{NDM}$



# TIBBIYOTDA YANGI KUN

Ilmiy referativ, marifiy-ma'naviy jurnal







AVICENNA-MED.UZ





9 (59) 2023

#### Сопредседатели редакционной коллегии:

#### Ш. Ж. ТЕШАЕВ, А. Ш. РЕВИШВИЛИ

Ред. коллегия:

М.И. АБДУЛЛАЕВ

А.А. АБДУМАЖИДОВ

А.Ш. АБДУМАЖИДОВ

Р.Б. АБДУЛЛАЕВ

Л.М. АБДУЛЛАЕВА

М.М. АКБАРОВ

Х.А. АКИЛОВ

М.М. АЛИЕВ

С.Ж. АМИНОВ

Ш.Э. АМОНОВ

Ш.М. АХМЕДОВ

Ю.М. АХМЕДОВ

Т.А. АСКАРОВ

М.А. АРТИКОВА

Ж.Б. БЕКНАЗАРОВ (главный редактор)

Е.А. БЕРДИЕВ

Б.Т. БУЗРУКОВ

Р.К. ДАДАБАЕВА

М.Н. ДАМИНОВА

К.А. ДЕХКОНОВ

Э.С. ДЖУМАБАЕВ

Н.Н. ЗОЛОТОВА

А.Ш. ИНОЯТОВ

С. ИНДАМИНОВ

А.И. ИСКАНДАРОВ

Э.Э. КОБИЛОВ

Д.М. МУСАЕВА

Т.С. МУСАЕВ

Ф.Г. НАЗИРОВ

НА НУРАЛИЕВА

Б.Т. РАХИМОВ

Х.А. РАСУЛОВ Ш.И. РУЗИЕВ

С.А. РУЗИБОЕВ

С.А.ГАФФОРОВ

С.Т. ШАТМАНОВ (Кыргызстан)

Ж.Б. САТТАРОВ

Б.Б. САФОЕВ (отв. редактор)

И.А. САТИВАЛДИЕВА

Д.И. ТУКСАНОВА

М.М. ТАДЖИЕВ

А.Ж. ХАМРАЕВ

А.М. ШАМСИЕВ

А.К. ШАДМАНОВ

Н.Ж. ЭРМАТОВ

Б.Б. ЕРГАШЕВ

Н.Ш. ЕРГАШЕВ

И.Р. ЮЛДАШЕВ

Д.Х.ЮЛДАШЕВА

А.С. ЮСУПОВ

М.Ш. ХАКИМОВ

Д.О. ИВАНОВ (Россия)

К.А. ЕГЕЗАРЯН (Россия)

DONG JINCHENG (Китай)

КУЗАКОВ В.Е. (Россия)

Я. МЕЙЕРНИК (Словакия)

В.А. МИТИШ (Россия)

В И. ПРИМАКОВ (Беларусь)

О.В. ПЕШИКОВ (Россия)

А.А. ПОТАПОВ (Россия)

А.А. ТЕПЛОВ (Россия)

Т.Ш. ШАРМАНОВ (Казахстан)

А.А. ЩЕГОЛОВ (Россия)

Prof. Dr. KURBANHAN MUSLUMOV(Azerbaijan)

Prof. Dr. DENIZ UYAK (Germany)

www.bsmi.uz

https://newdaymedicine.com

E: ndmuz@mail.ru Тел: +99890 8061882

### тиббиётда янги кун новый день в медицине **NEW DAY IN MEDICINE**

Илмий-рефератив, матнавий-матрифий журнал Научно-реферативный, духовно-просветительский журнал

УЧРЕДИТЕЛИ:

БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ ООО «ТИББИЁТДА ЯНГИ КУН»

Национальный медицинский исследовательский центр хирургии имени А.В. Вишневского является генеральным научно-практическим консультантом редакции

Журнал был включен в список журнальных изданий, рецензируемых Высшей Аттестационной Комиссией Республики Узбекистан (Протокол № 201/03 от 30.12.2013 г.)

#### РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ:

М.М. АБДУРАХМАНОВ (Бухара)

Г.Ж. ЖАРЫЛКАСЫНОВА (Бухара)

А.Ш. ИНОЯТОВ (Ташкент)

Г.А. ИХТИЁРОВА (Бухара)

Ш.И. КАРИМОВ (Ташкент)

У.К. КАЮМОВ (Тошкент)

Ш.И. НАВРУЗОВА (Бухара)

А.А. НОСИРОВ (Ташкент)

А.Р. ОБЛОКУЛОВ (Бухара) Б.Т. ОДИЛОВА (Ташкент)

Ш.Т. УРАКОВ (Бухара)

9 (59)

сентябрь

Received: 20.08.2023, Accepted: 05.09.2023, Published: 15.09.2023.

#### УДК 614.86.01 (575.171)

#### АВТОАВАРИЯЛАРИДАН ЖИНС ТАРКИБИ БЎЙИЧА ЖАРОХАТЛАНИШ КЎРСАТКИЧЛАРИ

Жуманиёзов К.Ю. <a href="https://orcid.org/0009-0009-0343-6823">https://orcid.org/0009-0009-0343-6823</a>
Бахтиярова А.М. <a href="https://orcid.org/0009-0001-5560-2960">https://orcid.org/0009-0001-5560-2960</a>
Олимова М.М. <a href="https://orcid.org/0009-0004-9137-9307">https://orcid.org/0009-0004-9137-9307</a>

Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали Ўзбекистон, Хоразм вилояти, Урганч шахри, Ал-Хоразмий кўчаси 28-уй Тел: +998 (62) 224-84-84 E-mail: <u>info@urgfiltma.uz</u>

#### √ Резюме

Республика суд-тиббий экспериза илмий-амалий маркази Хоразм филиали томонидан 2017 - 2021 йиллар давомида вилоят бўйича автохалокатлар туфайли жарохатланиш холатлари юзасидан ўтказилган экспертизалар бўйича такдим килинган статистик маълумотларга асосланиб жами 6191 нафар инсонлар ўрганиб, бахоланди. Транспорт ходисаларидан энг кўп жарохатланишлар 2018 йилда 1416 нафар ва 2021 йилда 1411 нафар, энг кам 2017 йилда 1061 нафарни ташкил килишини кўрсатади. Эркаклар энг кўп 2021 йилда 931 нафар ва энг кам 2017 йилда 704 нафар жарохат олган. Беш йил давомида транспорт аварияларидан 2190 нафар аёллар жарохатланган ва энг кўп 2018 йилда 557 нафар аёллар, энг кам 2017 йилда 357 нафар аёллар автоавариялар туфайли даволаш профилактик муассасаларга мурожаат килганлар. Транспорт аварияларига аёлларга нисбатан (35%) эркаклар (65%) кўпрок чалинмокда.

Калит сўзлар: жарохатланиш, жами, эркаклар, аёллар.

#### INJURIES FROM MOTOR VEHICLE ACCIDENTS BY GENDER

Jumaniozov K.Yu. <a href="https://orcid.org/0009-0009-0343-6823">https://orcid.org/0009-0009-0343-6823</a>
Bakhtiyarova A.M. <a href="https://orcid.org/0009-0001-5560-2960">https://orcid.org/0009-0001-5560-2960</a>
Olimova M.M. <a href="https://orcid.org/0009-0004-9137-9307">https://orcid.org/0009-0004-9137-9307</a>

Urgench branch of the Tashkent Medical Academy Uzbekistan, Khorezm region, Urgench city, Al-Khorezmi street No. 28 Tel: +998 (62) 224-84-84 E-mail: info@urgfiltma.uz

#### ✓ Resume

A total of 6,191 people were studied and evaluated based on the statistical data provided by the Khorezm Branch of the Republican Forensic Medical Expertise Scientific-Practical Center for the years 2017-2021 on the expertises on the cases of injuries caused by car accidents in the region. It shows that the highest number of injuries from traffic accidents is 1416 in 2018 and 1411 in 2021, and the lowest is 1061 in 2017. Men were injured the most in 2021 with 931 and the least in 2017 with 704. During five years, 2190 women were injured in traffic accidents, and the highest number was 557 women in 2018, and the lowest number was 357 women in 2017. Men (65%) are more involved in traffic accidents than women (35%). Key words: injuries, total, men, women.

#### ПОКАЗАТЕЛИ ТРАВМ В РЕЗУЛЬТАТЕ АВТОАВАРИЙ ПО ПОЛУ

Жуманиёзов К.Ю. <a href="https://orcid.org/0009-0009-0343-6823">https://orcid.org/0009-0009-0343-6823</a>
Бахтиярова А.М. <a href="https://orcid.org/0009-0001-5560-2960">https://orcid.org/0009-0001-5560-2960</a>
Олимова М.М. <a href="https://orcid.org/0009-0004-9137-9307">https://orcid.org/0009-0004-9137-9307</a>

Ургенчский филиал Ташкентской медицинской академии Узбекистан, Хорезмская область, город Ургенч, улица Ал-Хорезми №28 Тел: +998 (62) 224-84-84 E-mail: <u>info@urgfiltma.uz</u>

#### ✓ Резюме

На основании статистических данных, предоставленных Хорезмским филиалом Республиканского научно-практического центра судебно-медицинской экспертизы за 2017-2021 годы по проведенным экспертизам по случаям телесных повреждений в результате автомобильных аварий всего изучено и оценено 6191 человек. Видно, что наибольшее количество травм хозирги кунда бутун жа=онв результате дорожно-транспортных происшествий составляет 1416 в 2018 году и 1411 в 2021 году, а наименьшее — 1061 в 2017 году. Больше всего травм в 2021 году получили мужчины — 931, а меньше всего — в 2017 году — 704. За пять лет в дорожно-транспортных происшествиях пострадали 2190 женщин, причем больше всего в 2018 году - 557 женщин, а меньше всего - 357 в 2017 году. Мужчины (65%) чаще попадают в дорожно-транспортные происшествия, чем женщины (35%).

Ключевые слова: травмы, всего, мужчины, женшины

#### Долзарблиги

У збекистон Республикасининг иктисодий салохияти ўсиб бориши билан автомобиль транспорти ва коммуникациялари хам ривожланиб бормокда. Бундай ўзгаришлар ахолининг ижтимоий ривожланиши даражаси билан боғликдир. Тармокнинг ривожланиши харакат хавфсизлигини таъминлаш сохасида маълум муаммоларни келтириб чиқармокда: йўлтранспорт ходисаларининг содир бўлиб туриши, унинг окибатида инсонларнинг хаётдан кўз юмуши ёки турли даражада тан жарохатларини олиши, автомобиль йўлларида ва шахар кўчаларида тирбандликларнинг юзага келиши, атроф мухитнинг ифлосланишидир. Муаммонинг энг аянчлиси инсонларнинг жисмоний талофат олишларидир. Бу эса жамиятимизнинг ижтимоий муаммосидир [1].

Сўнгги ўн йилликларда йўл ҳаракати хавфсизлиги масалалари халқаро ҳамжамиятни ташвишга солмокда. Бу кўп жиҳатдан йўлларда ўлим даражасининг юқорилиги билан боғлиқ. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг 2017 йилдаги "Ҳаётни сақлаб қолиш: йўл ҳаракати хавфсизлиги технологиялари тўплами" ҳисоботида келтирилган маълумотлар ташвишга тушди: "ҳозирда ҳар йили йўл-транспорт ҳодисалари натижасида 1,25 миллионга яқин одам ҳалок бўлади ва миллионлаб одамлар жароҳатланади" [2,7].

Йўл транспортидан жароҳатланиш нафақат айрим мамлакат, балки дунёнинг кўплаб мамлакатлари учун ҳам ечимини кутаётган энг муҳим тиббий-ижтимоий муаммоларидан бири ҳисобланади. Ҳар йили сайёрамизда йўл транспорт ҳодисалари натижасида 1,2 миллиондан ортиқ одам ҳалок бўлади ва 20 миллиондан 50 миллионгача одам турли хил жароҳатлар олади. Уларнинг аксариятини 15 ёшдан 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этади [3].

Хозирги кунда бутун жахон автопаркларида миллиарддан ортик автомобиллар мавжуд [1]. Ер куррасида XX аср давомида ахоли сони 4 баробарга ошган бўлса, автомобиллар сони 10 минг маротаба ошган, бу холат XXI асрда хам давом этмокда. Автомобиллар замонавий иктисодиётнинг турли тармокларида фойдаланилмокда, аммо унинг каттагина кисми хусусий тармокда хам фаолият юритади. Австралия, Канада, Франция, Германия, Италия, Япония, Жанубий Корея, Туркия, Буюк Британия, АҚШ и ЖАР каби иктисодиёти ривожланган йирик 20 лик давлатларга кирувчи мамлакатларда, рўйхатга олишнинг автомобилларнинг умумий сонига нисбатан янги автомашиналарни рўйхатга олишнинг ўртача суръатида ўсиш тенденциясини кўриш мумкин [4,5].

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) статистик маълумотларига кура, транспорт ҳодисаларидан улим сабаблари, эрта улимнинг энг куп учрайдиган унталиги қаторига киради. 2015 йилнинг статистик маълумотларга кура бутун дунё буйича транспорт ҳодисалари туфайли 1,3 миллиондан ортиқ киши эрта ҳаётдан куз юмишига сабаб булган [6,7].

А.В.Сахаровнинг (2011) илмий хулосасига кўра, Россияда хар 100 000 ахолига 131 та автохалокат тўгри келади. Автохалокатлар орасида энг кўп учрайдигани бу автомашиналарнинг тўкнашишлари (43,3%) ва 28%и пиёдаларни уриб кетишлар бўлиб, асосан автохалокатлар йўл транспорт коидаларига риоя килмаслик (86,5%) натижасида содир бўлади. Ўлим даражаси хар 100 000 ахолига 26га тенг бўлиб, уларнинг 76,3%ини 20 ёшдан 40 ёшгача бўлган эркаклар ташкил этган. Ногиронлик хар 100 000 ахолига 2008 йилда 4,5 га тенг бўлиб, катталарда бир мунча камайиши кузатилса, болалар орасида деярли икки баробарга ошган ва хар 100 000 болага 2,1ни ташкил килган. Ногиронликларнинг кўпчилигини асосан иккинчи ва учинчи гурух ногиронлар



ташкил қилган. Жароҳатланганларнинг асосий кўпчилиги травматология бўлимига (56,2%), неврология бўлимига (32,8%) ётқизилган. Беморларнинг 55,4%ини эркаклар ва уларнинг 56,5%ини 20-40 ёшдагилар ташкил этган [8]. Россияда автоҳалокатлар сабабли ҳар куни 60-80 одам ҳаётдан кўз юмади [4].

Ўзбекистонда 2011 йилда 10611 та автохалокат холати қайд этилган ва 2161 та ўлим ва 112228 та жарохатланишлар рўйхатга олинган. Эътиборлиси шундаки, Ўзбекистонда йўлларда 3 896 000та қонунбузарликлар ва шундан 1588000 таси ўта қўпол тарзда қонунбузарликлар содир этилгани рўйхатга олинган [11]. Йўл транспорт ходисаларининг содир бўлишида энг хавфли кунлар хафтанинг бешинчи ва олтинчи кунлари эканлиги, шунингдек якшанба ва душанба кунларига хам алохида эътибор қаратилиши қайд этилади. Маллифнинг таъкидлашича, 2016 йилнинг 10 ойида 58885та автотранспортлар тўқнашиши рўйхатга олинган ва 6932 одам вафот этган, 90314 киши жарохатланган. Кейинги ўринда пиёдаларнинг устига ҳайдаш бўлиб, ўтган даврда жами 41370та ҳолат содир бўлган, 4667 та одам вафот этган ва 38981 киши жарохат олган [3,10,11]. Йилига Россия йўлларида 30 000 дан ортик киши оламдан ўтади, 200 000 та киши жарохат оладилар. Статистик маълумотларга караганда ҳар ўнта ҳолатдан биттаси болаларга тўғри келади ва 1,5 мингдан ортик бола вафот этади, шунингдек 20 000 та вояга етмаган болалар жароҳат оладилар ва кўпчилиги бир умрга ногирон бўлиб қоладилар [4,8,9].

**Тадқиқотнинг мақсади:** Хоразм вилоятида 2017-2021 йиллар давомида йўл транспорт ходисалари (ЙТХ), жарохатланиш хамда ўлимнинг учраш динамикасини ўрганиш ва бахолашдан иборат бўлди.

#### Материал ва усуллар

Республика суд-тиббий экспериза илмий-амалий маркази Хоразм филиали томонидан 2017 - 2021 йиллар давомида вилоят бўйича автохалокатлар туфайли жарохатланиш холатлари юзасидан ўтказилган экспертизалар бўйича такдим килинган статистик маълумотларга асосланиб жами 6191 нафар транспорт авариялари ўрганилди. Олинган маълумотларни статистик тахлил килишда ижтимоий-гигиеник ва санитария статистик усуллардан кенг фойдаланилди.

#### Натижа ва тахлиллар

Ўрганишлар шуни кўрсатадики 2017-2021 йиллар давомида Хоразм вилояти бўйича жами жарохат олган 6191 нафар инсондан 2017 йилда 1061, 2018 йилда 1416, 2019 йилда 1175, 2020 йилда 1128 ва 2021 йилда 1411 нафар инсонлар йўл транспорт ходисаларидан жарохат оланган. Шулардан эркаклар жами 5 йилда 4001 нафар, 2017 йилда 704, 2018 йилда 859, 2019 йилда 754, 2020 йилда 753 ва 2021 йилда 931 нафарни ташкил қилади. Аёллардан 5 йилда жами 2190 нафар, ундан, 2017 йилда 357, 2018 йилда 557, 2019 йилда 421, 2020 йилда 375 ва 2021 йилда 480 нафари тан жарохати олганлар. Транспорт аварияларига аёлларга нисбатан (35%) эркаклар (65%) кўпрок чалинмокда (1 жадвал).

1 жадвалда келтирилган маълумотлардан шу нарса маълум бўлдики, йўл транспорт ходисалари туфайли жарохатланишларнинг жинс таркиби бўйича таксимланишида кескин фаркларни кўриш мумкин. Хусусан 2017-2021 йиллар мобайнида жами вилоят бўйича 6191 нафар инсон жарохатланган бўлса, улардан эркак жинсли инсонлар сони 4001 нафарни (65%), аёл жинсига мансуб инсонлар сони 2190 нафарни (35%) ташкил килган, бу эса автохалокатлардан жарохатланиш кўпинча эркак жинсли инсонлар зиммасига тўғри келишини кўрсатади. Жадвал тахлилидан, эркак жинсли автомобил ҳайдовчилар аёл ҳайдовчиларга нисбатан 70% ни, ҳамда йўл транспорт ходисасида иштирокчи бўлган пиёда эркак ва аёллар 50% дан ташкил килишини инобатга олсак эркак жинсига мансуб йўл транспорт иштирокчилари сонини кўп бўлиши мантикан тўғри ҳолдир. Худди шу ҳолатни 5 йил давомида айрим йиллар бўйича таҳлил килганимизда куйидаги натижаларни олдик.

## Хоразм вилоятида 2017-2021 йилларда содир бўлган ЙТХ лари туфайли жинсий таркиб бўйича жарохатланиш кўрсаткичлари

1 жадвал

№	Йиллар	Жарохатланиш					
		эркак		аёл		жами	
		абс	%	абс	%	абс	%
1	2017 йил	704	18±1,1%	357	16,3±1,1%	1061	17,1±1,2%
2	2018 йил	859	21,4±1,7%	557	25,4±1,8%	1416	22,9±1,5%
3	2019 йил	754	18,7±1,2%	421	19,2±1,6%	1175	19±1,4%
4	2020 йил	753	18,7±1,2%	375	17,2±1,4%	1128	18,2±1,3%
5	2021 йил	931	23,2±1,8%	480	21,9±1,7%	1411	22,8±1,5%
	Жами 5	4001	100%	2190	100%	6191	100%
	йилда						



2017 йилда жами 1061 нафар инсонларда жарохатланишлар кузатилган бўлса улардан 704 нафари эркак жинсига, 357 нафари аёл жинсига мансуб инсонлар бўлиб чикди. Агар 2017 йилда жарохатланган эркак жинсли инсонларни жарохатланиш күрсаткичини, жарохатланган эркак жинсли инсонларнинг 5 йилдаги ўртача кўрсаткичига нисбатан солиштирганда 18±1,1% ни, аёлларда эса бу кўрсаткич 16,3±1,1% ни ташкил килди (1 жадвал). 2018 йилда эса жами 1416 нафар йил давомида автоавариялар туфайли жарохатланган бўлиб, улардан 859 нафари эркак иштирокчилар, 557 жинсли автоавариялар нафари аёл жинсли автоавариялар иштирокчиларидир. Бу жами эркак жинсли автоавариялар иштирокчиларининг 21,4±1,7% ни хамда жами автоаварияларга учраган аёл иштирокчиларининг 25,4±1,8% ни ташкил килишини кўрсатади. 2019 йилда бу кўрсаткич мос равишда 1175,754 - 18,7±1,2%, 421 - 19,2±1,6%, 2020 йилда 1128,753 - 18,7±1,2%, 375 - 17,2±1,4%, 2021 йилда 1411,931 - 23,2±1,8%, 480 - 21,9±1,7% ни ташкил килишини аникладик.





Таҳлиллар шуни кўрсатадики, энг кўп жароҳатланишлар 2018 ва 2021 йилларда учраган, яъни 2018 йилда 1416 нафар, 2021 йилда 1411 нафар инсон автоавриялардан жароҳат олган, энг кам транспорт ҳодисаларидан жароҳатланиш 2017 йилга тўғри келади ва шу йили вилоят бўйича жами 1061 нафар инсон жароҳат олганини кўрасатади. Шунингдек энг кўп 2021 йилда 931 нафар эркак жинсли инсонлар (жами жароҳатланган эркак жинсли инсонларнинг - 23,2±1,8%) жароҳат олган бўлса, энг кам эркак жинсли инсонлар 2017 йилда 704 нафар жароҳат олган (1 жадвал).

#### Хулоса

- 1. Хоразм вилояти автомобил йўлларида 2017-2021 йилларда содир бўлган транспорт ходисалари тахлили энг кўп жарохатланишлар 2018 йилда 1416 нафар ва 2021 йилда эса 1411 нафарни, энг кам 2017 йилда 1061 нафарни ташкил қилишини кўрсатади.
- 2. Беш йил ичида транспорт аварияларига энг кўп эркак жинсли инсонлар 2021 йилда 931 нафар ва энг кам 2017 йилда 704 нафар эркаклар жароҳат олган.
- 3. Беш йил давомида транспорт аварияларидан 2190 нафар аёллар жарохатланиб азият чеккан. Энг кўп 2018 йилда 557 нафар жарохатланган аёллар даволаш профилактик муассасаларга мурожаат қилган бўлсалар, энг кам 2017 йилда 357 нафар аёллар автоавариялар туфайли даволаш профилактик муассасаларга мурожаат қилганлар.
- 4. Транспорт аварияларига кўпинча аёлларга нисбатан (2190 нафар -35%) эркаклар (4001 нафар 65%) чалинмокда.

#### АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

- 1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 11 июль 2017 йил 3127-сонли "Йўл ҳаракати ҳавфсизлигини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги ҳарори.
- 2. Усманова М.Н. Йирик шаҳарларда йўл ҳаракатини ташкил этиш йўналишлари. Biznes-Эксперт. 2019;8:42-44.
- 3. Нуралиев Б., Юнусов М.Ю., Зиёев Б.А., Хусейнов Х.Б., Бодурбеков Ф. Состояние детского дорожнотранспортного травматизма в Таджикистане // Транспортные и транспортнотехнологические системы: материалы Междунар. науч.-техн. конф. (Тюмень, 16 апреля 2015 г.) Тюмень: Изд-во Тюменского индустриального университета, 2015;245-248.
- 4. OECD data: charts, maps, tables and related publications ... [Электронный ресурс]// Organisation for Economic Co-operation and Development [сайт]. Режим доступа: https://data.oecd.org/transport/ road-accidents.htm (дата обращения 30.09.2017).
- 5. Численность населения стран мира с 1980 по 2017 год [Электронный ресурс] // Справочные таблицы infotables.ru [сайт]. Режим доступа: http://infotables.ru/strany-i-goroda/17-tablitsa-chislennostnaseleniya-stran-mira (дата обращения 30.09.2017).
- 6. Methods and data sources for country-level causes of death 2000–2015. Global Health Estimates Technical Paper Department of Information, Evidence and Research, //World Health Organization. Geneva, 2017;85.
- 7. Jumaniyazov K.Y., Bakhtiyarova A.M., Ismoilova B.P. //European Chemical Bulletin 2023;12(8):2055-2062.
- 8. Jumaniyazov K.Y., Bakhtiyarova A.M., Kurbanova N.N. Peculiarities of distribution of traffic accidents in Khorezm region by population and age //International Scientific-Practical Conference.Chexiya. 2019;13-15.
- 9. Jumaniyazov K.Y., Bakhtiyarova A.M., Kurbanova N.N. deaths and injuries as a result of road accidents and the role of cardiovascular diseases in them //International Scientific and Practical Conference. Polcha. 2020;34-37.

Қабул қилинган сана 20.08.2023

